



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 25.01.2022 г. № 24

между УзР Миллий Гвардияси КР Куриклаш бошкармаси  
и И.Юсупов номидаги ижод мактаби на общую сумму 79 247 139,00

Глава  
Казначейский лицевой счёт

347  
100010860354017092300347001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)		Всего
	4293000		
Январь	26 415 713,00		26 415 713,00
Февраль	26 415 713,00		26 415 713,00
Март	26 415 713,00		26 415 713,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Всего за год</b>	<b>79 247 139,00</b>		<b>79 247 139,00</b>

Всего 79 247 139,00 сум

Семдесят девять миллион двести сорок семь тысяча сто тридцать  
девять сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_ %\*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в январь мес. 2022г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.



Главный бухгалтер заказчика

*Жанир*  
(подпись)

Ташимов Руслан Рахманбергенович  
Ф.И.О.

*Р.К.*  
(подпись)

Кудайбергенов Рейимберген  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

## Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА

Нукус ш.

29-сон

2022 йил “26” ои

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Кўриқлаш бошқармаси номидан низом асосида фаолият юритувчи М.И.Калжанов (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан И.Юсупов номидаги ижод мактаб-интернати номидан низом асосида фаолият юритувчи Р.Р.Ташимов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Кўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қуриқлаши қуринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи Кўриқлаш хизмати ҳарбийлаштирилган соқчилик бўлинмасининг 1 та 24 соатлик (09:00дан 09:00гача) қўриқлаш пости ва 1та 22 соатлик (09:00дан 07:00гача) ТҚМ ташвишгоҳ тугмачаси орқали, Нукус шахри А.Досназаров кўчаси ракамсиз уйда жойлашган И.Юсупов номидаги ижод мактаб-интернати (кейинги ўринда “объект” деб юритилади)ни Ижрочига топширади, Ижрочи эса Қорақалпоғистон Республикаси Кўриқлаш бошқармаси Нукус шахарлараро қўриқлаш бўлими томонидан қўриқлашга қабул қиласди.

3. Объектнинг қўриқлаш ҳудуди, пост жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичida қўриқлаш хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга 30 иш куни ичida йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармагандан Ижрочи кўйилмайди, кўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати учун ойига 26.415.713 (Чархча олчи мимон) сўм — тийин,  
турси юз ун беш минг етти соҳи ўн ўз ) сўм — тийин,  
3 ойга 79.267.139 (Етиси турси макони сим соҳи борччи олчи мимон) сўм — тийин;  
беш соҳи ўтти тусланади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 10 кун ичидаги мазкур Шартнома баҳосининг 15 фойзи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичидаги аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фойзи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилингандан ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### **4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

-хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар қўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

-Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

-Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

-Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

-Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

-мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2021 йил «22» 10 даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситии ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириши хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаши хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

-ҳар қандай моддий қимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсигидан камида 5 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

-Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўригини ўтказиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиши муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

-белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

-бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк хукуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида **10** кун олдин огоҳлантириш;

-объектда иш куни яқунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

-объектни, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

-қўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

-махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

-қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида заар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар қўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

-бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

-Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

-Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

-мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

-кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

-объектда пост дислокациясига мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

-мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

-қўриқланадиган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

-объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

-пропуск режими (рухсатнома тартиби) мавжуд бўлган обьектда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан обьектга киритилган ташриф буторувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

-объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

-объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

-объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва обьектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

-ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва обьектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақириши, текшириш натижалари ва обьектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

-Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

-объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда обьектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор килиш;

-Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта обьектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

-Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар қўриш учун бериш;

-қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида қўриқлаш хизматининг навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, қўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуидаги ҳолларда Ижрочи заарни қопламайды:

-ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

-қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка заар етказилганда;

-буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда заарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки қун ичидаги ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирилаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Якуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган қундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблаглари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бюджет қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз қунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бюджет қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича - Томонлар тарафидан имзоланган қундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари олувчилари бўйича - белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган қундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь қуни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бюджет қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан **икки ой**

олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник кўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмиrlашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида обьектларни кўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта постда қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **икки ой** олдин ёзма равишда маълум қиласди.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишилари мумкин.

#### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

##### “Ижрочи”

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
Гвардияси Қорақалпоғистон  
Республикаси Кўриқлаш  
бошқармаси

Юридик манзили: Нукус шаҳри  
А.Тимур кўчаси №129А.

Банк маълумотлари: ҚР Марказий  
банки  
x/p: 21596000900577288001

МФО: 00015

СТИР: 202674548

Бошник

М.И.Калжанов

##### “Буюртмачи”

И.Юсупов номидаги ижод  
мактаб-интернати

Юридик манзили: И. Юсупов

отворен ҳафед

Банк маълумотлари: Казро МР РУЗ  
МББХККИ. Тасу

x/p: 934091000300100001010

МФО: 00014 ИНН: 901112919

СТИР: 307257222

Директор 100019860394017091300347001

P.P.Ташимов



«ТАСДИКЛАЙМАН»

«КЕЛИШАМАН»

Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Коракалпогистон Республикаси Куриклаш  
бошкармаси бошлиги

М.И.Калжанов

2022 йил



И.Юсупов номидаги ижод  
мактаб интернати  
директори

*Жайыл*

Р.Р.Ташимов

2022 йил



СМЕТА-ХИСОБИ

2022-йил 01-Январь кунидан хисобланади

№	Куриклаш тури	Постлар сони	Куриклаш вакти	Бир ойлик Куриклаш вакти	Куриклашнинг пост-соати нархи	Куриклаш учун 1 ойлик харажатлар хисоби
1	2	3	4	5	6	7
1	Харбийлаштирилган сокчи (назоратчи)	1	24 соат	730	32252	23 543 960,00
2			Туман коэффициенти 10%			690 480,00
3	Ташвишгоҳ тұғмачаси	1	22 соат	669	3128	2 092 632,00
4	Урнатылған шартлы куриклаш ташвишгоҳ воситалари (хизмат курсатиш 1 ойга ҳар бир восита учун 29547 сум)					88 641,00
	Жами:		26415713 сум			26 415 713,00

Узбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Коракалпогистон Республикаси Куриклаш  
бошкармаси МИБ бошлиги

*А.К.Аябергенов*

"Келишилган"

Бош хисобчиси

*о.б.*

P. *Р.Р.Ташимов*